



Чақираётган ва айтаётган нарсангиз жуда яхши. Бизга қилган ишларимизга каффорат бўладиган бирор ишни хабарини берганингизда (ўшани бажарар эдик)

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Ширк аҳлидан бўлган бир қанча одамлар кўп қотиллик ва кўп зино қилган эдилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга келиб: « Чақираётган ва айтаётган нарсангиз жуда яхши.

Бизга қилган ишларимизга каффорат бўладиган бирор ишни хабарини берганингизда (ўшани бажарар эдик)», - дедилар. Шу вақтда: {Улар Аллоҳ билан бирга бирор илоҳга илтижо қилмаслар. Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ноҳақдан ўлдирмаслар. Зино қилмаслар} [Фурқон: 68] ояти ва сен менинг тарафимдан: «Эй ўз жонларига исроф (жабр) қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг!» [Зумар: 53] оятлари нозил бўлди.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Бир нечта кўп қотиллик ва зино қилган мушриклар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга келиб: «Чақираётган Ислом ва унинг таълимлари яхши нарса, лекин бизни ҳолатимиз қандай бўлади, шунча ширк ва гуноҳи кабираларга каффоратлар борми?», деб айтдилар. Шу вақтда инсонларни гуноҳи кўплигига қарамасдан Аллоҳ тавбаларини қабул қилган икки оят тушди. Агар қабул қилмаганда эди, улар ўша куфру туғёнларида давом этаверар ва бу динга кирмаган бўлар эдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65071>

